ИХТИСОСЛАШГАН СИНФЛАР

ФАРҒОНА. Қўқондаги бир қатор мактабларда юқори синф ўқувчиларига ўзлари танлаган касб-ҳунар бўйича сабоқ бериш тажрибаси қўлланиляпти. Жумладан, 23-мактабнинг иккита синфида банк мутахассислиги бўйича қўшимча дарслар ўтилмоқда. Ёшлар замонавий ҳисоб-китоб ва иқтисодий билимлар асослари, тадбиркорлик, ҳуқуқшунослик сингари фанлар бўйича илм олишмоқда. Дарсларни малакали мутахассислар олиб борадилар. Еттинчи мактабда эса халқ амалий санъатига эътибор берилмоқда. 30 нафар ўқувчи санъат олами сирларидан воқиф бўлиб, инглиз тили, лотин ёзувига асосланган алифбони ўрганмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

ВОҚЕАЛАР, ЭПИЗОДЛАР

НАВБАҲОР МАРМАРИ

НАВОИЙ. Навбаҳор тумани марказидаги мармар кесиш ва сайқаллаш корхонаси Нурота мармарчилари билан ҳамкорлик қилмоқда. Бу ерда йилига 2,5 минг кубометрдан кўпроқ мармар плиталар тайёрланмоқда. Харидоргир маҳсулот Россия, Белоруссия ва бошқа хорижий мамлакатларга етказилмоқда. Польшанинг "Дара-Самара" фирмаси ишбилармонлари Навбаҳор мармаридан келаси йили 4 миллион сўмлик олишни мўлжаллаган.

Музаффар ШАРОПОВ.

ЙИЛ ОЙИ ЮН

ХОРАЗМЧА ШЎР ЮВИШ

СИРДАРЁ. Шўрхок ерларда мўл ҳосил олаётган хоразмлик деҳқонлар ажойиб ютуқлари билан кўпчиликни лол қолдиришмоқда. Яқинда қўриқ воҳага ташриф буюрган бир гуруҳ хоразмлик тажрибакорлар Сирдарё шароитида ҳам юқори ҳосил олиш мумкинлигини таъкидлашди. Улар шўр ювиш бўйича кўргазмали семинарларда иштирок этиб, тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Абдужалил УМАРОВ.

ХАБАРДОР ФАКТЛАР

ҲОЗИРЧА ЯГОНА

ХОРАЗМ. Вилоят ҳокимининг қарори билан ёлғиз, етим-есир, бева-бечора, уруш иштирокчилари ва ногиронларнинг саломатлигини қайта тиклловчи шифохона иш бошлади. Шифо маскани Урганч тумани "Оқ олтин" жамоа хўжалигида жойлашган. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, халқаро "ХОСПИС" номи билан юритиладиган бундай меҳр-шафқат маскани ҳозирча мамлакатимизда ягонадир. Шифохона тадбиркор ва ҳиссадорлар ҳомийлигида бунёд этилди.

Рўзимбой ҲАСАН.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 6 декабрь, шанба № 143 (22.226).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1998 ЙИЛ — ОИЛА ЙИЛИ БЎЛАДИ

СУРАТЛАРДА: тантанали йиғилиш пайти. **Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

5 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Шу муносабат билан бу ерга Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари, пойтахт меҳмонлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда Тошкентда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг вакиллари ташриф буюрдилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Ахтам Турсунов Ўзбекистон Конституциясининг тарихий аҳамияти тўғрисида маъруза қилди.

Президент Ислом Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

— Конституциямиз минг йиллар давомида орзу қилиб келган, танлаган, интилаётган манзилимизни, ҳаётимизни, истиқболимизни ўзида мужассамлаштирган, — деди жумладан мамлакатимиз раҳбари. — У мамлакатимизда ҳукм сураётган, ҳар қандай тараққиётнинг гарови бўлмиш тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг пойдевори ва асосидир.

Президент мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён қўлга киритилган ютуқларимизга якун ясар экан, уларнинг энг асосийси кишиларимизнинг ўзгарган, ўсиб бораётган маънавий қиёфаси, руҳий бойлиги, миллий онги ва сиёсий савиясидир, деб алоҳида таъкидлади. Бунда оиланинг ўрни беқиёсдир. Чунки оила Шарқда қадим-қадимдан муқаддас ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Шуни инобатга олиб Президентимиз 1998 йилни Оила йили деб эълон қилишни таклиф этди. Бу оила муаммоларига, унинг истиқболига ҳам давлатимизнинг, ҳам жамиятимизнинг диққат-эътиборини янада кучайтиради.

Йўлбошчимизнинг бу ажойиб таклифи мажлис қатнашчилари томонидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Тантанали йиғилиш ниҳоясида Ўзбекистон санъат усталари ижросида катта концерт намойиш этилди.

(ЎзА).

«Обуна — 98»

ИСТИҚЛОЛ ЮРТ НАФАСИ

Газета-журналларга хорижий мамлакатлар элчихоналари ва доимий ваколатхоналарида обунанинг расмийлаштирилиши юртимизга бўлган меҳрнинг ўзига хос тимсолидир. Хусусан, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот хизмати ходими Имор Юракнинг эътироф этишича, «Ўзбекистон овози» газетасини қўлга олганда, келажаги буюк юрт нафасидан баҳраманд бўлар экан. Шу боис, газетамизнинг янги сонини эрталаб, барвақт кўздан кечиришга ҳаракат қилинар экан. Бу газетага янги йил учун обуна расмийлаштирилибди. Зеро, матбуот хизмати ходимининг битти нияти бор, у ҳам бўлса: «Илоҳим, келаси йилдан почта хизмати яхши йўлга қўйилиб, газета истаб дўконма-дўкон юрмаслик».

Кўриниб турибдики, элчихона ходимлари газетамизни эрта саҳарлаб ўқишга одатланишган. Ҳақиқатан ҳам газета тайёрлаш қанчалик тезкорликни тақозо этса, муштарийларда ҳам унга муштоқлик шунча ошаверади. Сўзсиз «Ўзбекистон почтаси» қачонгача имиллайди, деган саволнинг туғилиши табиий.

Мирзо АНВАР.

ВАТАН ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАРИНИ АРДОҚЛАЙДИ

Президент Ислом Каримов Фармонига кўра Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллик байрами арафасида республика иқтисодиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувликни таъминлаш, ёш авлодни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, илм-фан, маданият ва таълимни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун юртдошларимиздан катта бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари ҳамда фахрий унвонлари билан тақдирланган эди. Шунингдек, тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандлиги, мусиқа санъати соҳасидаги энг яхши ижодий ишлари учун бир гуруҳ ижодкорлар Камолиддин Беҳзод ҳамда Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофотларига сазовор бўлган эди.

5 декабрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Авваламбор, бугунги муборак кунда, ҳаётимиз Қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида сиз, азизлар билан кўришганимдан ғоят мамнун эканлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Мустақиллигимизга, мамлакат ва миллатимизнинг буюк келажагига кафолат берадиган, бизнинг энг олий мақсад ва эзгу ниятларимизни ҳимоя қиладиган Конституция қабул қилинганига беш йил тўлмоқда.

Бу муборак санада давлатимизнинг олий мукофотлари билан тақдирланган Ватанимизнинг фидойи фарзандларини муборакбод этиш яхши анъанага айланиб қолди.

Мен учун бугун сиз, азизларни тақдирлаш, Ватанимиз нишонларини топшириш, сизларни бағримга босиб муборакбод этиш — катта қувонч, катта бахт, деб таъкидлади йўлбошчимиз.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, фан, миллий маданият, санъат ва адабиётни юксак чўққиларга кўтариш мустақил мамлакатимиз баркамол қиёфасини шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Бугунги кунимизнинг энг катта ютуғи ва нишонаси мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ислоҳотлар ҳар бир фуқаро қалби ва онгига бевосита кириб бораётир, десак муболаға бўлмайди.

Ислоҳотларимизнинг ютуғи мамлакатда барқарорликни сақлаганимиз, иқтисодиётни ривожланиш йўлига олиб чиққанимиз, миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдеворини яратганимиз билангина эмас, балки ана шу ислоҳотлар мазмун-моҳиятининг чуқурлиги, улар ҳар бир фуқаро, ҳар бир тирик жон туйғулари, мақсадлари, орзу ва умидларида ўз ифодасини топгани билан алоҳида мавқега эга бўлмоқда. Ислоҳотларимизнинг маънавий кучи, қадру қиммати ана шу билан белгиланади.

Бугун ватандошларимиз ана шундай буюк яратиш, ижод қилиш, бунёд этиш ишида фаол иштирок этмоқдалар. Ўз соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бугун ана шундай ҳақиқий Ватан фарзандларининг 600 дан кўпроғи давлат мукофотларига сазовор бўлишди. Улардан тўрт нафарига «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони берилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Конституцияси куни олдидан

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг беш йиллиги олдидан мамлакатимизда ушбу санага бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтаётир. Жумладан, шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, республика Фанлар академияси ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан, Бекобод, Бўка, Ангрен, Оҳангарон, Паркент, Юқори Чирчиқ, Пскент ва Ўрта Чирчиқ шаҳар ҳамда туманлари фаоллари иштирокида, «Жамиятимизни демократиялаштиришнинг ҳуқуқий кафолати» мавзуидаги илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Уларнинг қатнашчилари — Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳокимликларнинг масъул ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқалар — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, юридик фанлари номзоди Б. Эшонов, ЎзРФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов, мазкур Институтнинг бош илмий ходимлари — ЎзРФА мухбир аъзоси Ҳ. Раҳмонқулов ва юридик фанлари доктори М. Файзиев, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари С. Хўжаеванинг Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти, унинг мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар учун аҳамияти тўғрисидаги маърузаларини тингладилар, бунга оид кўплаб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

С. ШЕРАЛИЕВ.

Президент Ислом Каримов Фармонига биноан Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллик байрами арафасида маданият, санъат, адабиёт ва журналистика соҳасидаги улкан хизматлари учун юртдошларимиздан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари ҳамда фахрий унвонлари билан тақдирланган эди.

Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Мукофотларни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов топширди.

Шунингдек, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида ҳам матбуот ходимларидан бир гуруҳига мамлакатимиз мукофотлари тантанали равишда топширилди. Мукофотларни Президент девони Ахборот маркази раҳбари С. Ҳакимов топширди.

***

5 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасида Республика эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг йиғилиши бўлди. Унда республикада вирусли гепатит билан касалланиш ҳоллари, уларнинг олдини олиш ва камайтириш чора-тадбирларини кучайтириш ҳақидаги масала муҳокама этилди.

***

Асакада «Ўз-Донгвон Ко» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси ишга тушди. Корхонада «ЎзДЭУавто» заводида тайёрланаётган барча турдаги машиналар учун йилига 200 минг товуш сўндиргич ва тутун чиқадиган трубалар, «Нексия» автомобиллари учун зарбқайтаргич балкалар ишлаб чиқарилади.

ВАТАН ХАРИТАСИ

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ «Ньюман райтс уотч» халқаро ташкилоти 1997 йилда дунёдаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазият ҳамон қониқарсиз бўлиб қолмоқда, деб ҳисоблайди.

* * *

☑ АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэннинг хабарига кўра Ироқ ҳукумати БМТ назоратчиларига оммавий қирғин қуроллари, яъни ядровий, химиявий ва бактериалогик воситаларни ишлаб чиқармоқчи бўлганлигига иқрор бўлди.

* * *

☑ Болгария ва Туркия Бош вазирлари раҳбарлигидаги делегация ўтган куни учта муҳим шартномага имзо чекишди.

* * *

☑ Бундан тўрт йил аввал Македонияга жойлаштирилган халқаро ҳарбий қўшинлар келгуси йилнинг сентябрида мамлакатдан олиб чиқиб кетилади.

* * *

☑ Швеция Бош вазири Йоран Перссон Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг ушбу мамлакатга давлат ташрифи якунларига юксак баҳо берди.

* * *

☑ Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, шунингдек, бутун МДҲдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида янги ташаббуслар билан чиқди.

* * *

☑ АҚШ билан Буюк Британия Ироққа нисбатан яна ҳарбий куч ишлатиш билан дўқ-пўписа қилишмоқда. Шу боис мудофаа вазирлари доирасидаги Америка — Буюк Британия маслаҳатлашувлари Лондонда бўлиб ўтди.

* * *

☑ СССРнинг собиқ Президенти Михаил Горбачев тириклигининг антиқа турини ўйлаб топди. Яқинда у пиццани реклама қилиб, 150 минг фунт стерлингни қуртдай қилиб сапаб олди.

* * *

☑ Қирғизистон Президенти Асқар Акаев давлат мулки жамғармасининг раиси Асқар Саригуловни ўз вазифасидан озод қилди.

* * *

☑ Туркия Президенти Сулаймон Демирэль Яқин Шарқдаги тинчлик музокараларининг боши берк кўчага кириб қолишига Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху айбдор, деди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ВАТАН ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАРИНИ АРДОҚЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳалол меҳнат қилган, ўз тақдирини Ватан ва миллат тақдири билан боғлаган, ана шу мўътабар хонадонимиз — ҳаммамиз учун қадрдон Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яратиш орзу-умиди билан яшаётган асл фарзандларни ҳар қанча тақдирласак ва улуғласак арзийди, албатта.

Бугун сизнинг очиқ чеҳрангизга қараб туриб, элга хизмат қилиш, ўз куч-ғайратингни, билим ва маҳоратингни Ватан равнақи йўлида сафарбар қилиш — энг олий бахт, шон-шараф эканини яна бир бор чуқур ҳис қилаяпман, деб қайд этди Ислом Каримов.

Сизларга беқиёс ҳавас билан қараяпман. Айни пайтда ана шундай елкадошларим, ана шундай сафдошларим, ҳамфикру маслакдош дўстларим борлигидан кўнглим тоғдек кўтарилади. Демак, биз танлаган йўл — халқ йўли, ҳақ ва ҳақиқат йўли, келажагимиз эса чиндан ҳам буюк эканлиги шубҳасиз.

Муборак айём — Конституция куни билан сизларни яна бир бор қизғин табриклайман. Давлатимизнинг олий мукофотлари ҳаммангизга муборак бўлсин, дейман.

Президент Ислом Каримов йиғилганларнинг олқишлари остида Қўқон шаҳридаги 10-ўрта мактаб математика ўқитувчиси Манзура Мадалиева, Қорақалпоғистон Республикаси 1-туғуруқхонасининг гинекология бўлими мудири Онесия Саитова, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тошмахсуспардозқурилиш» акциядорлик жамияти 42-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи Холхўжа Умаров ва Хоразм вилояти, Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги раиси Машарип Қувақовга Ватанимизнинг олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони гувоҳномаси ва «Олтин юлдуз» нишонларини топширди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият, маориф, спорт ва санъат соҳалари намояндалари, ҳарбийлардан бир гуруҳи давлатимиз раҳбари қўлидан юксак мукофотларни олиш шарафига муяссар бўлдилар.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Озод Шарафиддинов, Машарип Қувақов, Саид Аҳмад, Ёқуб Аҳмедов, Раҳима Мазаҳидова, Гулчеҳра Йўлдошева, Вера Дуюнова, Ольга Овчинникова, Онесия Саитова, Георгий Абдураҳмонов, Ўктамхон Воҳидова ҳурмат-эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ватанимиз равнақи йўлида янада самарали меҳнат қилажакларини изҳор этдилар. Зеро, озод Ватанимизда ҳар бир фуқаро ғамхўрлик остида. Меҳнаткаш ҳар бир инсон қадр топмоқда.

— Шу Ватан, шу халқ учун хизмат қилишдан улуғ бахт йўқ, — деди Ислом Каримов ўзининг якунловчи сўзида. — Биз барчамиз ҳаммижҳат, аҳил ва фидойи бўлсак, кўзлаган буюк ниятларимизга, албатта етамиз.

Бугун мукофотланганлар орасида турли миллат, турли касб эгалари бор. Юртимиз тинч ва осойишта. Бу тинчлик ва осойишталикни мана шу ерда ўтирганлар вакили бўлган фидойи халқимиз яратган. Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган олти йил бизни кўп нарсага ўргатди. Биз ҳеч қачон бу улуғ неъмат-истиқлол йўлидан воз кечмаймиз.

Маросимда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Ў. Раҳматов, Т. Рисқиев, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

ОИЛА ГУЛШАНИНИНГ

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан.

1. Фарзандлар тақдирига масъуллик

Оила ҳаёт давомийлигини таъминлаб келаётган манба. Оиласиз жамиятни тасаввур этиб бўлмайди. Оила болаларни тарбиялаш, одамларнинг маънавий ва жисмоний камолотига хизмат қилиш, уларни жипслаштириш, биргаликда хўжалик юритиш, ўзаро ёрдам воситасида иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш, демографик жараёнларни яхшилаш каби вазифаларни бажаради.

Ўзбек оиласи ўзининг болажонлиги, эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг самимийлиги, ор-номуснинг кучлилиги, ёшларга ҳурмат, кексаларга иззат каби фазилатлари билан алоҳида ажралиб туради. Шарқда оила бошлиғи унинг посбони, таъминотчи, аёл эса унинг кўрки, файзидир. Фарзандлар оила гулшанининг ғунчалари ҳисобланади. Бизда оила шаъни, обрўсини сақлаш учун масъулият кучли, истиқлолдан кейин адолатли фуқаролик жамияти қуриш сари қадам қўйилгач, оиланинг аҳамияти янада ортди. Чунки фуқаролик жамияти оиланинг жамиятдаги мавқеини бевосита ошириш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оиланинг жамиятда тутган ўрни алоҳида белгилаб қўйилди. Асосий Қонуннинг ўн тўртинчи боби «Оила» деб номланган. Оила ҳамда унинг аъзолари ҳуқуқ ва бурчлари моддама-модда қайд этилган.

Ота-она ва фарзанд муносабатлари Шарқда алоҳида ўрин тутади. Бу — оиланинг энг бебаҳо сифати. Ота-онанинг фарзандлар тақдири учун масъулияти, фарзандларининг ота-она олдидаги бурчлари ҳеч бир халқда бу қадар теран ва адолатли тартиб касб этмаган. Конституцияда азалий одатлар қатъий тартибга келтирилган: **«Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Ёхуд, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар».**

Оилада анъанавий тусга кирган шу муносабатлар, ўзаро ҳурмат, қадр-қимматни ўрнига қўйиш, меҳр-муҳаббат, бир-бирига нисбатан оқибатлилик, биргаликда қийинчиликларни енгиб ўтиш каби сифатлар бугунги кунда жамият ҳаётида ҳам яққол кўзга ташланади. Юртимизда турли миллат ва элатлар тинч-тотув яшаётганлиги, ҳаётимиздаги осойишталикни таъминлаётган омиллардан бири аслида шу эмасми?!

Давлатимизнинг аҳолига муносабати нечоғлик инсонпарвар эканлигини бугун оиланинг ижтимоий ҳимояси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизда уч ярим миллиондан зиёд оила мавжуд. Ҳар йили 200 мингдан ортиқ янги хўжалик ташкил топади, етти юз минг бола дунёга келади. Улар соғлом авлод бўлиб етишиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

2. Оила ва ижтимоий ҳимоя

Кўп болалик — миллий оиланинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бизда шундай оилалар бўлак минтақалардагига нисбатан анча зиёд. Мавжуд оилаларнинг ўн икки фоиздан кўпроғи беш ва ундан ортиқ болага эга. Қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этади. Мамлакат аҳолиси таркибига хос бу хусусият теран англанган ҳолда миллий сиёсатнинг бош тамоийлларидан бири — аҳолининг эҳтиёжманд қисми, жумладан, кўп болали оилалар давлат ҳимояси остига олинган.

Эндиликда амалдаги кучли ижтимоий сиёсат ўзининг ёрқин жиҳатларини намоён этмоқда. 1996 йили бюджет умумий харажатлар қисмининг 13,4 фоизи шу мақсадларга ажратилди. Ижтимоий соҳага — халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, илму фан, ижтимоий таъминот, яъни аҳолига хизмат қиладиган соҳаларга бюджет харажатлари қисмининг 37 фоизи ажратилган.

Бунинг маъноси шуки, давлатимиз энг аввало ижтимоий вазифани ҳал этишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ёш авлод саломатлиги ва камолотига бутун эътиборни қаратган. 1997 йил — Инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши ҳам шу сиёсатнинг ёрқин кўриниши, узвий давомидир.

Кучли ижтимоий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилиши миллий қадриятлар, урф-одатлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилаётгани нур устига нур. Бугунги кунда одамларни жипслаштирувчи, ўзаро ёрдам ва бир-бирини қўллашга чорловчи тузилма—маҳаллаларнинг ҳаётдаги юксак мавқеини ҳеч ким инкор эта олмайди. Маҳалла бу фуқаролар интилиши ва саъйи-ҳаракати туфайли муайян миллий ахлоқий ва маиший тартиб-қоидаларга риоя қилиш, марака-моврид, яхши-ёмон кунларни бирга ўтказиш, аҳилликни таъминлашга хизмат қиладиган ижтимоий-иқтисодий ва ҳудудий жамоадир. Турон замин шароитида маҳалла ҳамиша йирик оила вазифасини ўтаб келган, десак янглишмаймиз.

3. Маҳалла

Маҳалла бугунги кунда халқимизнинг қадим анъаналарини ўзида мужассам этиб, ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб миллий тизимига айланиб бормоқда. Мустақиллик шарофати билан 1993 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун жойлардаги бўғин — маҳаллага ўзгача қудрат

I II

Сессия олдидан ўйлар

КЎП ЙИЛЛАР ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессияси томонидан биринчи ўқишда маъқулланган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилгани унинг янада мукаммалроқ, замон талабига жавоб бериб, кўп йиллар хизмат қиладиган бўлишини таъминлаши шубҳасиз. У ўнинчи сессия кун тартибига ҳам киритилди.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда кўплаб юқори малакали мутахассислар, жумладан, ҳуқуқшуносла, журналистлар иштирок этишган, албатта. Шу билан бирга бутун жамиятимизда, унда кечаётган демократлаштириш жараёнида қонуннинг алоҳида ўрни ва аҳамияти борлигини инобатга олиб, уни такомиллаштириш борасида билдирилган ҳар қандай фикр қимматлидир. Шу сабабли ҳам Қонун лойиҳасининг айрим моддалари хусусида ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

7-модда «Таҳририят ходимининг текшириви» деб аталади. Бу ерда «таҳририят» сўзини «журналист» сўзи билан алмаштириш керакка ўхшайди. Ушбу Қонун лойиҳасининг 6-моддасида кўрсатилганидек «таҳририят ходими» деганда фақат таҳририят штатида турувчи шахс тушунилади. Журналист эса, «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида белгиланганидек, ОАВда хизмат қиладиган ёхуд уларда шартнома асосида ишлайдиган шахсдир. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси шу кўринишда қолдирилса, шартнома асосида таҳририятларда ишлаётган шахслар текширув олиб бориш ҳуқуқига эга бўлишмайди. Ваҳоланки, барча тараққий топган мамлакатларда кўпгина журналистлар бирор-бир таҳририят штатида турмасдан, шартнома асосида фаолият кўрсатишади.

Шу моддада «агар воқеа, ҳолат, жараён юзасидан тергов тугамаган бўлса, суднинг қарори ёки ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг журналистлик тахминлари ва фактларни шахсий мулоҳаза тарзида эълон қилишга ҳақлидир», деб ёзилган.

Маълумки, бирор-бир воқеа юз бериб, жиноят содир этилди деб тахмин қилганда тергов ишлари бошланиб кетади. Нима, бу ҳақда ёзса бўлмайдими? Бўлган воқеа билан жамоатчиликни таништириш мақсадида, у ҳақда ОАВ орқали фақат фактлар маълум қилиниб, охирида «текширув давом этмоқда», деб таъкидланса мақсадга мувофиқдир.

Қонун лойиҳасининг 17-моддасида «Муҳаррирни (бош муҳаррирни) тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартиби уставда (низомда) белгилаб қўйилади», деб уқтирилади. Одатда устав (низом) муассис томонидан тайёрланиши сабабли, муҳаррир (бош муҳаррирни) тайинлаш ва лавозимдан озод этиш ваколати асосан улар зиммасига юклатилган. Шуни ҳисобга олган ҳолда юқорида тилга олинган моддага қўшимча киритиб, бу ишда журналистлар фикри инобатга олиниши, қарор таҳририят аъзоларининг 2/3 қисми овоз берганда кучга кириши қўшиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, Қонунга журналистлар мустақил жамоат бирлашмалари тузиш ҳуқуқига эга эканликлари ҳақида модда киритиш лозим.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
«Самарқанд» газетасининг бош муҳаррири.

Менда таклиф бор

ҲАММА КИТОБ — КИТОБМАС

Буюк кишилардан бирига «Агар сизнинг пулингиз кўп бўлса, нима қилар эдингиз? « дейишганда, шундай жавоб берган экан: — Ҳаммасига китоб сотиб олган бўлар эдим.

Ҳақиқатан ҳам китоб илм хазинаси. Шу маънода кишига қадрдон ва садоқатли дўст ҳам ўшадир. Бироқ, ҳамма китоблар ҳам шундаймикин? Афсуски, йўқ.

Пойтахтимизнинг жуда кўп жойларида китоблар сотилади. Автобус бекатлари атрофида, метронинг чиқиш жойларида ана шундай китоб ва журналлар расталарига дуч келаман.

Яқинда бир китобга кўзим тушиб қолди. Китобнинг устига «Варақлаб кўриш ўн беш сўм» деб ёзиб қўйилган экан. Унинг саҳифалари беҳаё суратларга тўла. Ўйлаб қоласан киши, бу ёшларимизнинг ахлоқига қанчалик салбий таъсир кўрсатишини. Назаримда, китоб савдоларини назоратга олиш зарур. Ахир ёшларни қандай китобларни ўқишга йўналтириш энг долзарб масала эмасми?

Ғайрат МАЖИДОВ,
Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани.

Самарқанд нонлари. **Шавкат АКРОМОВ олган сурат.**

«Обуна-98»

ЎЗЛАРИ СЕВГАН НАШРЛАРГА ЁЗИЛИШМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Янгиер шаҳар кенгаши биринчи котиби С. Каримовнинг хабар беришича, Янгиер шаҳридаги Ховос дон маҳсулотлари комбинати 10 нусха, Ховос нефть маҳсулотлари базаси 20 та, 8-ишчилар таъминоти бўлими 7 нусха «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обуна бўлишди.

Шаҳарда шу кунга қадар «Мулоқот» журналига 66 киши обуна бўлди.

* * *

● Қашқадарё почтаси ОҲЖ муҳандиси З. Ҳасанованинг хабарига кўра, Қашқадарё почтаси очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли Қарши шаҳар почта алоқа бўлинмасида 1998 йил вақтли нашрларига расмийлаштирилган обуна 6 миллион сўмга етай деб қолди.

Мунира АЗИМОВА.

Менда таклиф бор

ЙЎРИҚНОМАЛАР ЎЗБЕКЧА БЎЛСА...

Кўпгина ривожланган мамлакатлар ички бозорларида ташқаридан келтириладиган маҳсулотларнинг йўриқномалари ўз давлати тилида бўлишига катта эътибор берадилар. Хусусан бу нарса аудио-видео, компьютер тизими ва телеаппаратураларнинг ишлатилиш йўриқномаларида ўз ифодасини топади. Шу маънода юртимизга хориждан келтирилаётган маҳсулотларнинг йўриқномалари ўзбек тилида ёзилса кўпгина тушунмовчиликларнинг олди олинган бўлар эди.

Жумладан, бозорларимизда сотиладиган ва биз ҳар куни ишлатадиган кимёвий воситалар, истеъмол моллари йўриқномалари хорижий тилларда бўлганлиги сабабли улардан кўпинча нотўғри фойдаланамиз.

Норали ОЧИЛОВ,
Бухоро вилояти.

ФЕРМЕР ЙЎЛИДАГИ

Уни кимлар ва нималар

Таҳририятдан, оқолтинлик фермер Шовқи Сафаров банк хизматларидан норози бўлиб газетага мурожаат қилгани, агар мумкин бўлса, у кишига ёрдам чоралари кўриш лозимлигини топширишди. Воқеа тафсилотидан маълум бўлишича, фермер ўзи хоҳлаган кредит, яъни қарзни ололмай сарсон экан.

Ажабо, беихтиёр ўйлайсан киши: ишлайман, маҳсулот етиштираман деган фермер банкдан ёрдам сўрасаю, уни кўкрагидан итарсалар? Ахир, бу қанақаси? Банк ходимлари ўзларига қарз сўраб мурожаат этадиганларга маҳкам ёпишиб олмайдиларми? Ахир, бу уларнинг «нони», яъни бевосита ишларику?

Тағин ким билади, дейди бошқа бир хаёл. Балки фермернинг ҳаракатларида ҳам баъзи ишкалликлар бордир.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида биз дастлаб «Пахта банки»нинг вилоят бўлимига йўл олдик. Бошлиқ Мухтор Эркабоев қайсидир мажлисга кетган экан. У кишининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Маматовнинг ҳузурига кирдик.

— Қарзларни республика «Пахта банк» беради. Бизлар эса ҳужжатларни тўғрилашимиз мумкин, холос. Асосий масалалар Тошкентда ҳал бўлади, — тушунтирдилар Жаҳонгир ака.

Ана, холос... Бечора фермерлар...

— Мен раис билан гаплашиб кўрай, — сўзида давом этдилар у киши. — Иложи бўлса ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Келишилган ваъдага биноан, орадан чамаси икки-уч кун ўтгач, Жаҳонгир Мингбоевга сим қоқдик.

— Бошлиқ туман «Пахта банки» раҳбарларига телефон қилди. Тайинладик, фермер Шовқи Сафаровга ёрдам бериладиган бўлди, —дедилар Жаҳонгир Мингбоев.

Бу сўзларни эшитгач, масаланинг осон кўчганидан мамнун бўлиб, рости, биз ҳам енгил тортдик. Бечора фермер кўзлаган маблағини олиб, ишларини битказиб олса яхшида. Сарсонгарчиликни эса ҳеч кимнинг бошига солмасин.

Шу билан орадан чамаси ўн-ўн беш кунча вақт ўтди. Хонамизга кутилмаганда Шовқи Сафаров ўз бухгалтери Боли Кўбаев билан келиб қолди. Қўлларида папка, юзларида норозилик ва хафсаласизлик аломатлари. Ўта тажанг ва гинахонлик оҳангида:

— Ишлар битмаябдику! — дедилар.

Во ажабо! Шунча гаплар, нуфузли одамларнинг ваъдаларидан кейин ҳам-а?

Хўш, идорама-идора сарсон бўлиб, ўз ишини битказа олмай юрган бу одамнинг ўзи ким? Балки айб фермернинг ўзидадир? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида бу safar биз Оқолтин туманига йўл олдик.

Агар таъбир жоиз бўлса, Шовқи Сафаровни том маънода ҳақиқий чўл ўғлони дейиш мумкин. Асли Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидан бўлган бу ажойиб инсонни тақдир ҳали йигирма ёшга етар-етмас Сирдарё қўриғига етаклади. Бу — Мирзачўл қўриғига асосий ҳужумлар бошланаётган 1960-йилларнинг бошлари эди. У Тошкент қишлоқ хўжалик техникумини битирганидан сўнг ўз тақдирини Мирзачўлнинг қоқ маркази — ҳозирги Оқолтин туманидаги «Андижон» совхози (ҳозир у ширкатлар уюшмасига айланган) билан бир умрга боғлади. Дастлабки пайтларда у механизатор бўлиб ишлади. Билимдон, уддабурон йигитни хўжалик гаражидаги масъулиятли ишга таклиф этдилар. Сўнгра хўжалик транспорт бўлимининг мудири бўлди. Мана чорак асрдирки, шу вазифада сидқидилдан ишлаб келмоқда.

Энди у кишининг фермерлик фаолияти ҳақида. Бундан етти-саккиз йилча муқаддам, яъни фермерлик ҳаракати юртимизда эндигина тетапоя бўлаётган пайтлар эди. Кўпчилик учун бу иш ҳали бир жумбоқ, очилмаган қўриқ эди. Совхоздагилар эса юқоридан берилган топшириқни бажаришлари учун бир-иккита фермер топишлари лозим эди. Тасодифанми ёки тақдир тақозоси биланми, фермерликни бошлаши керак бўлганларнинг чекидан бири у кишининг зиммасига тушди. Дастлаб Шовқи ака жойим ҳам, имконим ҳам йўқ, дея унамагандай бўлдилар. Кейин янгиликни ҳис этиш туйғуси устун келдими, таклифга рози бўлдилар. У кишини қийналиб юрмасин деб, жойни ҳам шу ердан, яъни гараж ҳудудидан топишди; хўжаликнинг кенг ерини эгаллаб ётган гаражнинг бир четидан кичкинагина бир бурчакни ажратиб беришди. Эски-туски темирлар, кузовлар билан молхона ён-верлари ўралди. Шу аснода Шовқи ака ҳам транспортчи, ҳам фермер бўлиб қолдилар.

Дастлабки пайтларда натижа ёмон бўлмади. У кишига агроучасткадан 6 гектар ер ажратиб бердилар. Банкдан сўраган миқдорларида қарз ажратишди. Хўжалик раҳбарлари ҳам қўлларидан келганича мадад бериб турдилар.

— Банкдан олган қарзимизни бир-икки йил деганда тўлаб олдик, — дейди Шовқи ака ўша пайтларни эслаб. — Орадан уч-тўрт йил ўтиб фермер хўжалиги оёққа туриб олгандан сўнг эса йилига 4-5 тонна сут, икки тонна атрофида гўшт етиштириб давлатга сота бошладик.

Фермер ҳисобига дастлабки даромадлар туша бошлаганидан кейинги у кишининг дастлабки қилган ишлари — хайрияга қўл уриш бўлди. Фермер хўжаликнинг «Семурғ» боғчасини оталиғига олди. Хўжалик жажжиларини баҳоли қудрат сут-қатиқ маҳсулотлари билан таъминлаб турди. Турли саналар, байрамларда қўлдан келган ёрдамини аямади. Бу орада хўжалик мактабига илк бор қадам қўяётган 100 га яқин биринчи синф ўқувчиларига бепул ўқув қуроллари, ўқув анжомларини олиб берди. Хуллас, қўли ҳам, қалби ҳам очиқ инсон эътиборга тушди, эл меҳрини қозонди.

Лекин фермернинг ҳаёти фақат мол боқиш-у бойлик орттиришдан иборат эмас экан, албатта. Иш, турмуш беташвиш бўлмас, деганларидек, эртага сени қандай синов ва ташвишлар кутмоқда — билмайсан киши. Кейинги пайтларда кутилмаганда касаликка чалиниб, фермернинг бирданига 8 бош қорамоли нобуд бўлди. Сўнгра эса яна бир йирик сўқими оёғидан тойди. Бунинг устига хўжаликда раҳбарлар алмашавериши оқибатида фермернинг ташвишлари айтарли ҳеч кимни қизиқтирмай қўйди. Уни ердан, ем-хашакдан қисдилар. Оқибатда маҳсулдорлик ҳам, ўз навбатида даромад ҳам камайиб кетди. Энди фермер фойда ўрнига ўз хўжалигидан кетма-кет зарар кўра бошлади.

Ҳозир вилоятда, шу жумладан туманда ҳам ана шундай қийинчиликлар қаршисида лол қолиб, ўз хўжаликларини тугатаётган, фермерлик ҳаракатлари-ю бу ишнинг ташвишларидан безор бўлиб, этак қоқаётганлар оз эмас. Буни кўпчилик яхши билади. Лекин Шовқи Сафаров ундай йўлни танламади. У фермерлик хўжалигини қайтадан тиклаш, оёққа тургазиш ва кенгайтириш йўлини танлади. Бунинг учун эса унга мадад керак эди.

Хўш, бундай пайтларда фермер ёрдам ва мададни қаердан олсин? Албатта, мутасадди ташкилот ҳамда идоралардан олади-

1 2

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

ЧЕЧАКЛАРИ

таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан эҳтиёжманд оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тури жорий этилди. Ушбу нафақа ҳар бир муҳтож оилага уч ой муддатга тайинланади, лекин зарурат бўлса, у яна узайтирилади. Нафақа, оиланинг моддий шароитини инобатга олган ҳолда, энг кам иш ҳақининг 1,5 дан 3 баробаригача бўлган миқдорни ташкил этади. 1997 йилнинг 1 июлидан эътиборан бу ёрдам 1125 сўмдан 2250 сўмгача миқдорда қилиб белгиланди. Шу билан бирга, болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш кучайтирилди. Республика Президентининг 1996 йил 10 декабрь Фармонига кўра, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб оиладаги ўн олти ёшгача бўлган болалар сонидан келиб чиқиб бериладиган ойлик нафақа миқдори ошди. Тўрт болага бўлган тўлов энг кам иш ҳақининг 1,75 фоизини ташкил қилди. Айни пайтда, бола боқувчи оналарга нафақа тўлаш жорий этилиб, унинг муддатини икки йилгача узайтириш лозим деб топилди.

Аҳолининг аниқ табақаларини қамраб олган ёрдам тизимини фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатан қўлланиши тан олинди ва қонун асосида тасдиқланди. Бу тадбир ижросида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув тизимларининг ҳуқуқлари кенгайтирилиб, уларга фақат тақсимловчи сифатида эмас, балки тўловлар устидан назорат қилувчи масъулияти ҳам юклатилди.

Юртбошимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида таъкидлаганидек, **«Ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бутун тизими тенгчилик ва боқимандалик кайфиятини тугатишга қаратилди. Барча нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали кўрсатиладиган бўлди. Уларни асосан кам таъминланган оилалар, кексалар ва болалар ола бошладилар».**

4. Инсон. Оила. Саодат

Ижтимоий ҳимоянинг янги тизими биринчи навбатда адолат ва ошкораликка асосланган, унинг аниқ фойдаланувчиларига мўлжалланганлиги кўзга яққол ташланади. Бу савоб, хайрли фаолиятда маҳалла етакчи воситадир. Бугунги кунда мамлакатимизда 12400 га яқин маҳалла фаолият кўрсатаётганлиги улар катта куч эканлигини англатади. Жами оиланинг 37 фоизга яқини, бошқача қилиб айтганда, кейинги уч йил ичида бир миллиондан ортиқ оила моддий ёрдам билан таъминланди, бунинг учун 5 миллиард сўм сарфланди. Фақат 1995 йилнинг ўзида кам таъминланган 500 минг оила учун 1,5 миллиард сўм ажратилди. 1996 йил эса бу кўрсаткич 2,3 миллиард сўмни ташкил этди. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида Тошкент шаҳар Қизил ярим ой жамияти ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси томонидан ногиронлар, кам таъминланган шахслар ва оилалар ҳамда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш мақсадларига 1 миллион 800 минг сўмлик маблағ сарфланди. Республика «Маҳалла», «Камолот», «Нуроний» жамғармалари, «Соғлом авлод учун» ва бошқа бир қатор жамғарма ҳамда муассасалар, уларнинг жойлардаги бўлинмалари кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизлар ва ёшларни соғломлаштириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир.

